

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

НАҚІҚАТІ

2024-yil 21-dekabr / SHANBA / № 101 (13760)

БЕКОБОД: ОЛИС ХУДУД РАВНАҚИНИНГ ЯҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 14-15 октябрь кунлари вилоятимизнинг қатор туман-шаҳарларида бўлиб, бунёдкорлик ишлари, аҳоли ҳаёти ва янги лойиҳалар билан танишиш асносида ҳар бир соҳани комплекс ривожлантириш юзасидан қатор вазифаларни белгилаб бердилар.

Шу вазифаларни бажариш мақсадида Бекобод туманида ҳам тизимли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

"Тошкент ҳақиқати" минбари

XUSH KELIBSIZ



Шухрат ДЎСБЕКОВ, Бекобод тумани ҳокими

Бекобод тумани 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. 1962 йил 24 декабрда Сирдарё вилоятининг Янгийул туманига қўшиб юборилган. 1963 йил 17 апрелда қайта тuzилган. Худуди шимолда Бўка тумани, ғарбда Сирдарё вилояти, шарқ ва жанубда Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Маркази – Зафар шаҳарчаси. Айни пайтда тумандаги 51 та маҳаллада 167,8 минг нафар аҳоли истиқомат қилади.

4

Кун тартиби



БОШ МЕЗОН – ОБОДЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК

Нурафшон шаҳрида "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойили асосида хавфсиз муҳитни яратиш механизми бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижаси юзасидан йўналиш ўтказилди.

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раислигида ўтган йўналишда сектор раҳбарлари, прокуратура, ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизмат вакиллари, шунингдек, бошқа тааллуқли ташкилот ва идоралар масъуллари иштирок этишди.

Унда жорий йил давомида худудларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ижтимоий профилактика борасида белгиланган устувор вазифалар ижросининг аҳоли, йўл қўйилаётган камчиликлар муҳокама этилди.

Вилоятда жорий йил бошидан ижтимоий профилактика объекти ҳисобланган 14 тоифадаги 69 минг 928 нафар фуқарода аниқланган муаммоларни ижобий ҳал этиш бўйича

"Э-Ижтимоий профилактика" электрон тизими орқали профилактика инспекторлари томонидан маҳалладаги масъулларга хулосалар тақдим этилган. Шундан 1,3 фоиз хулосалар бажарилмаганлиги танқид қилиниб, бу асосан, Ангрэн шаҳри, Тошкент, Урта Чирчиқ туманлари ҳиссасига тўғри келаётгани таъкидланди.

Шунингдек, маҳаллада фаолият олиб борувчи "еттилик" вакиллари узувий ҳамкорлигини йўлга қўйган ҳолда иш самарадорлигига эришиш зарурлиги борасида сўз юритилди.

Йўналиш сўнида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Президент ташрифидан сўнг...

Фармацевтика ривожланиши учун ишлаб чиқариш ва логистика бир-бирини тўлдириши керак

Касбимиз тақозоси билан баъзи дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда кўп бўлганми. Объектга киргунча қанча назорат ва дезинфекция жараёнларидан ўтказилди. У ердаги қатъий қоида, тартиб ва тозаллик эса кишини ҳайратга солади. Тасаввур қиляёсизми?

Бу соҳада ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, тайёр маҳсулотларни сақлаш ундан ҳам масъулиятли иш экан. Бу фикрга Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Grand Pharm Logistics Hub" фаолияти билан яқиндан танишганимиздан сўнг келдик.

Президент куни кеча ушбу фармацевтик логистика маркази фаолияти билан танишди. Ташрифидан сўнг корхона масъуллари билан суҳбатлашдик.

2

"Тошкент ҳақиқати" йўқлови

Қалдирғочлар яна қайтади...

Мажид Саматовнинг машаққатли меҳнати натижасида уша пайтларда урушга кетган ўзбекистонлик 34 минг жангчининг ҳарбийга қақирилган манзили, ҳалок бўлган вақти, қаерга кўмилгани, жангларида кўрсатган жасорати ва мукофотлангани ҳақидаги тўлиқ маълумотлар юзага келди.



3

Кутлов

Юрак кўзи



Ўзбекистон Қахрамони, Тиббиёт фанлари доктори, профессор Халидjon КОМИЛОВнинг 80 йиллигига

Юрак кўзи билан кўзларга боққан, Меҳрин дарёсида дилларга оққан, Давлатининг "Олтин юлдузи" таққан, Касбин карвониди нор бўлган устоз, Элининг эъзози ёр бўлган устоз.

Юзлаб шогирдларнинг талпинган тоғи, Йўлчи юлдузидир иймон чироғи, Кўнглининг гулзори дуолар боғи, Фидойилик фанин ўргатган устоз, Камтарлик камолин кўрсатган устоз.

Отасининг касбин ардоғин тутган, Сабру садоқатнинг сабоғин тутган, Элу юрт қориди ўзни унутган, Жони озурданни жонидир устоз, Комилонлар шаънин шонидир устоз.

Дилором аянинг суйган султони, Қўш қўлдан тушмайди муҳаббат нони, Қўша қармоқ бу – бахтнинг имкони, Умрин маликасин дилдоши устоз, Оила осмонининг кўши устоз.

Саксон ёш – оқил зот ҳикмат ёшидир, Ҳикматгўй инсоннинг ибрат ёшидир, Халидjon аканинг кудрат ёшидир, Юз ёшда шу кудрат бор бўлсин устоз, Худойимнинг ўзи ёр бўлсин устоз!

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

Танлов

НАВБАТ — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Янгийул туманидаги 5-сонли Болалар musiқа ва санъат мактабида Зулфия номидида давлат мукофоти тавсия этиш бўйича кўрик-танловнинг вилоят босқичи ўтказилди. Жорий йилги танловда 8 ўналишда 105 нафар қизлар иштирок этишди.

— Танлов бу йил ҳам кўтаринки кайфиятда ташкил этилди, — дейди

вилоят ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Нилуфар Нормирзаева. — Ҳакамлар томонидан мустақил фикрловчи, дунёқараш кенг, танлаган йўналишининг билимдони бўлган қизлар сарланди.

— Танловнинг спорт йўналишида иштирок этдим, — дейди бўкалик Шаҳноза Эркинова. — 10 ёшимдан бери Ўзбек жанг санъати билан шуғулланаман. Бир неча маротаба Ўзбекистон, Осиё ва Жаҳон чемпионат-

ларида юқори ўринларни кўлга киритдим. Танлов баҳонасида ўз тенгқурларим билан дўстлашдим, улардан кўп нарса ўргандим.

Энг муносиблар кўрик-танловнинг республика босқичида беллашишди.

Нигора ўРОЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири



Вилоят бўйлаб

ЎРТА ЧИРЧИҚ туманидаги 124-ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатда шахмат-шашка ва стол тенниси мусобақаси ўтказилди. Яқунда ғолиб ва савриндорлар тақдирландилар.


ОҚҚҮРҒОН туманида Тошкент вилояти Марказий банк бош бошқармаси ходимлари тадбиркорлар билан учрашишди. Мулоқотда тадбиркорларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарилди.

ЯНГИЙҮЛ шаҳридаги умумтаълим мактабларида Ички ишлар вазирлиги академияси масъул ходимлари ўқувчи-ёшлар билан учрашув ўтказилди. Унда пиротехника воситаларидан фойдаланишнинг салбий оқибатлари ҳақида мисоллар билан тушунтириш берилди.

ТОШКЕНТ тумани ҳокими бир гуруҳ масъуллар ҳамроҳлигида "Гултёпа", "Гулобод" ва "Кенсой" маҳаллаларида бўлиб, аҳоли муурожаатлари ҳамда ижтимоий соҳа объектидаги таълим ташаббусларининг ҳолатини ўргандилар. Шунингдек, таълим масканларида ўқувчилар учун яратилган шароитлар билан танишдилар.

ПАРКЕНТ тумани прокурори "Яшнобод" маҳалласидаги камбағал оилаларнинг яшаш шароитларини ўрганди. Биринчи навбатда оила аъзоларини тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш, аниқланган касалликларни даволаш, боғча ёшидаги болаларни мактабга таълимга жалб этиш каби жиҳатларга аҳамият қаратилди.

Яхши хабар



Бўстонлик туманининг "Чорбор" маҳалласида 3,1 гектар майдонда қуввати 1,63 МВт бўлган "Угам-2" кичик ГЭСи фойдаланишга топширилди. ГЭС йилига 13,04 миллион кВт. соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқаради.

БЎСТОНЛИҚДАН "НУР" ТАРАЛАДИ

ГЭСнинг умумий қиймати 7,3 миллион доллар бўлиб, хитойликлар билан ҳамкорликда амалга оширилган. Олти иш ўрни яратилган

ГЭСда сув чиқариш иншооти тўлиқ қуриб битказилиб, замонавий самардор гидроагрегатлар ва автоматик бошқарув тизими ўрнатилди. Лойиҳани амалга ошириш натижа-

сида ҳудуддаги "Чорбор", "Хумсон", "Угам" маҳаллаларидаги 5 мингга хонадон ҳамда туризм ва дам олиш масканлари узуксиз электр энергия билан таъминланади.

Йилига ўртача 3,9 миллион м³ газ ёки 5,9 минг тонна кўмир тежалашига эришилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

УЙДА ЎТИРИБ ҲАМ ПУЛ ТОПИШ МУМКИН

Бугунги кунда уйда ўтирган ҳолда хунармандчилик билан шуғулланиш, томоркага турли маҳсулотлар экиш, чорва моллари боқиш, репетиторлик қилиш, тикувчилик ортидан даромад топиш имкониятлари кенгайтирилди. Мухими, улар ҳам ташкилотларда ишлайдиган ходимлар каби иш стажига эга бўлиб, келажакда пенсия олишлари учун имкон яратилди.

— Аҳолини меҳнат билан банд қилиш асосий вазифамиз, — дейди Зангиота туманидаги "Эски қалъа" маҳалласи раиси Наргиза Аҳмедова. — Камбағалликни бартараф этишга фуқароларни даромадли иш билан таъминлабгина эришилади. Шуни англаган ҳолда уйда ўтирган аёлларни касаначилик билан банд қилиб, даромад топишлари учун шароит яратиш ҳаракатидамыз. Ҳозирда вояга етмаган фарзандлар ҳам улар билан бирга меҳнат қилиб, вақтини бекорчи нарсаларга сарфлашмайди.

Маҳалланинг Шукрона кўчасида яшовчи Саодатхон ая Отабоева нафақада бўлишига қарамай, уйда набиралари билан буюртма буйича

бир марталик қошиқ ва вилкаларни қадқоқлашади. — Меҳнат қилган одам кам бўлмайди, — дейди Саодатхон ая. — Набираларим билан гурунглашиб бир зумда ишни тугатиб қўйганимизни ҳам сезмай қоламиз. Улар мактабдан сўнг менга қарашади. Ҳам ишимизни қиламиз, ҳам кунлари қандай ўтгани ҳақида сўхбатлашамиз. Баҳонада болалар меҳнатга ўрганишади. Келиним ҳам буюртма асосида қаламдонлар тикиб, бозорларга жўнатади. Кўриб турганимиздек, уйда бекорчи одам йўқ.

Туманининг "Сортепа" маҳалласида ҳам касаначилик яхши ривожланган. Маҳалланинг Тимсол кўчаси "Бир маҳалла — бир маҳсулот" дастури асосида айнан касаначилик учун танлаб олинган бўлиб, аҳоли расмий иши, чорвачилик, томорқачиликдан ташқари касаначилик асосида ўйинчоқ машиналарни йиғиш билан шуғулланади.

Ҳилола Усмонбекова ҳам нафақада. У икки йилдан бери уйда



Касаначилик



ўйинчоқ машиналарни йиғиб, кўшимча даромад топади.

— Ишимиз қийин эмас, — дейди Ҳилола ая. — Ўйинчоқнинг қисмлари қуйма ҳолда келади. Аввал уларни тозалаймиз, гилдиракларини ўрнатиб, ёрликларини ёпиштирамиз. Ҳатто, 3 ёшли набирам ҳам расмларни ёпиштириб, қолга жойлашга ёрдам беради. Асосийси, ҳам набирамга қарайман ва бемалол ишлайман. Ҳаракатимга қараб, кунига 300 минг сўмгача пул топаман. Ҳарнада, бекор ўтиргандан кўра.

Албатта, кўлида хунари бор аёлнинг оилада, маҳаллада ўз ўрни ва ҳурмати бўлади. Кимгадир нафи тегаётганини ҳис қилса, ўзига ишончи ортади. Биз сўхбатлашган аёллар ҳам вақтини бекорчи гап-гаштагу, миш-мишларга сарфламасдан оз бўлсада рўзгорга ҳисса қўшаётганларидан мамнунлар.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

Фармацевтика ривожланиши учун ишлаб чиқариш ва логистика бир-бирини тўлдириши керак

Ушбу марказ "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудидаги дастлабки йирик лойиҳалардан бири саналади. Ун гектар майдонда жойлашган ушбу тадбиркорлик субъектининг умумий қиймати 40 миллион доллар бўлиб, маҳсулотларни сақлаш жойи 50 минг квадрат метрни ташкил этади.

— Бу лойиҳа доирасида ҳудудда уч қаватли маъмурий бино, элик ўрнили меҳмонхона, ходимлар учун ошхона ва ётоқхона қурилади, — дейди "Grand Pharm Logistics Hub" масъулияти чекланган корхона директори Матқуб Турабоев. — Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатувчи устахона, автотурароҳ барпо этилди. Энг муҳими, ягона марказлаштирилган ва тўлиқ автоматлаштирилган сақлаш ҳудуди бунёд этилди. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида 325 та янги иш ўрни яратилди. Бу ерда халқаро стандартлар асосида катта ҳажмдаги фармацевтика товарларини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш имконияти мавжуд. Давлатимиз раҳбари дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотларини қабул қилиш, божхона расмийлаштируви, сақлаш, тақсимлаш ва сотувга етказиб бериш жараёнлари билан танишиди. Фаолиятимизни янада такомиллаштириш буйича муҳим топшириқлар бери.

Дарҳақиқат, фармацевтика ривожда ишлаб чиқариш ва замонавий логистика тизими тўғри йўлга қўйилгани муҳим аҳамиятга эга.

Марказда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга фармацевтика маҳсулотларини экспорт қилишларида марказлаштирилган халқаро "SAP" тизими орқали амалий ёрдам берилади. Бунинг учун дори воситалари сифатини таъминлаш буйича "GDP" ва "GSP" сертификатлари ҳамда божхона омбори, халқаро юрларни ташиш учун лицензиялар мавжуд. Шунингдек, бу ерда хорижий бренд компаниялар томонидан келтирилган маҳсулотларни сифатли сақлаш билан бирга божхона кўригидан ўтказиш жараёни ҳам тезлашгани аҳамиятли.

Бундай юқори даражада ишончга эга бўлишнинг маълум талаблари бор. Бу стандартларни таъминлаш учун марказга ривожланган давлатлардан келтирилган ҳавони иситиш ва совитиш тизимлари ўрнатилган. Қозонхона, насос станциялари, электр генераторлар, юк тушириш ва ортши учун қулай йўлақлар, махсус ташиш техникалари келтирилган.

Ушбу марказ тадбиркорларга бизнес учун трансминтақавий имкониятларни — халқаро логистика хизматини ҳам тақдим этади. Бунинг

учун ҳароратни назорат қилувчи қурилмалар ва GPS-ускунаси билан жиҳозланган йигирмадан ортиқ катта юк машиналаридан фойдаланилади.

Ҳамкорлик географияси йилдан-йилга кенгайиб боради. Россия, Қозғоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Германия, Польша, Франция, Венгрия, Руминия ва Туркия каби давлатлар билан логистик алоқалар фаол кечмоқда. Бугунги кунда товарлар айланмасининг 60 фоизини хорижий, 40 фоизини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори воситалари ташкил этади.

Компания фармацевтика бозорини мунтазам ўрганиб, тиббиёт соҳасидаги эҳтижларни ҳам таҳлил қилиб боради. Натижада дистрибьюторлик йўналиши қўламини кенгайиб бормоқда. Ушбу тадбиркорлик субъекти мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб 7 минг 500 дан ортиқ дорихонага товарлар етказиб беради. Шунингдек, корхонанинг "GRANDPHARM" ва "BestPharm" каби тизимларида 446 та дорихона фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, онлайн дорихона хизмати йўлга қўйилган бўлиб, бу борадаги ҳамкорлар сони ҳам ортмоқда.

Сир эмас, мамлакатимизда кўп йиллар фармацевтика бўйича имкониятлардан тўла фойдаланилмаган. Кейинги йилларда дори-дармон, тиббиёт воситаларини ишлаб чиқариш, импорт-экспорт қилиш буйича ислохотлар олиб борилди. Бунда соҳага инновацион ёндашувни таъби қилиш, илмга таяниш йўлидан борилмоқда.

Бу ерда мамлакатда фармацевтик таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган "GPH Academy" лойиҳаси фаолияти йўлга қўйилган. Академия соҳадаги мутахассис ва амалиётчиларнинг профессионал жамоат бирлашмаси саналади.

Ташаббус доирасида соҳага ихтисослашган қатор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Учта таълим даргоҳида амалий машғулот хоналари ташкил этилди. Уч минг нафар фармацевт малака ошириш курсларидан ўтди. Ўттиз нафарга яқин талаба ушбу лойиҳанинг стипендия ва грантларига эга бўлди. Шунингдек, фармацевтика маҳсулотларини чакана сотиш билан шуғулланувчи тармоқли дорихоналар ходимларига халқаро "GPP" талаблари доирасида сертификат берилмоқда.

Бу каби лойиҳаларнинг мамлакат иқтисодий ва иқтисодий ҳолатида аҳамияти катта. Мана шундай ташаббусларнинг рағбатлантирилиши аҳоли саломатлигини мустақамлашда ҳам муҳимлигини таъкидлаш ўринли.

Икром АВАЛБОЕВ,
ЎЗА муҳбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳамкорлик 40 НАФАР ЎҚУВЧИ МОСКВА ВИЛОЯТИДА

Жорий йилнинг 19-23 август кунлари Россия Федерациясининг Москва вилояти губернатори А. Воробевнинг тақлифига биноан Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари О.Султонбеков бошчилигидаги делегация мазкур давлатда бўлиб, бир қатор музокаралар олиб боришган, шунингдек, ҳудудлараро таълим алоқаларини мустақамлашга қаратилган меморандум ҳам имзоланган эди.

Шу муносабат билан айти кунларда вилоятдан 40 нафар ўқувчи ва 7 нафар ўқитувчи Москва вилоятидаги Примикова номидаги гимназия мактабида бир ҳафталик ўқув тренингида иштирок этишмоқда.

Дарсларда замонавий касбларга ўқитиш, таълим жараёнларини амалиёт билан боғлаган ҳолда олиб бориш, касбларни ўрганишда тажрибалар ўртоқлашилди. Тадбир давомида Москва вилояти губернатори



А.Воробев ўзбекистонлик ёшлар билан учрашди. Самимий ўтган мулоқотда ҳар икки давлатда ёшларга яратилган имкониятлар борасида сўз юритилди.

Маълумот учун, гимназияда 1 минг 500 нафар ўқувчи, 300 нафардан ортиқ ўқитувчи ишлайди. Ўқув модуллари халқаро таълим стандартлари — Россия, Британия, Финляндия, Сингапур мактабларини интеграциялашган ҳолда яратилган.

ВИЛОЯТДА СУД ЭКСПЕРТИЗА БЎЛИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Қарор ва ижро

Тошкент вилоятида Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг ҳудудий бўлими ташкил этилади, дея хабар беради ЎЗА.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги

Республика суд экспертиза маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Қарорга кўра, 2026 йил 1 июнгача Суд экспертиза марказининг Тошкент вилояти бўлимини халқаро стандартлар билан уйғунлашган давлат стандарти талабларига жавоб берадиган бинога жойлаштириш ҳамда махсус мебель, компьютерлар, бошқа зарур техника ва инвентарлар, шунингдек, юқори малакали профессионал кадрлар билан таъминлаш чоралари кўрилади.

суви таркибини таҳлил қилиш лабораторияси ҳам ташкил қилинади.

Суд экспертиза марказининг ҳудудий бўлимида қўйидаги экспертиза ва тадқиқот турлари босқичма-босқич жорий этилади: — 2025 йил 1 октябргача Суд экспертиза марказининг Навоий вилояти бўлимида Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияси ҳамда Суд-хатшунослик ва ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизалари; — 2026 йил 1 ноябргача Суд экспертиза марказининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида Суд-фонография, суд-ёғин техника ва электротехника экспертизалари; — 2026 йил 1 декабргача Суд экспертиза марказининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимида Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияси ҳамда Суд-хатшунослик ва ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизалари.



Суд экспертиза марказида истеъмол маҳсулотлари таркибида генетик модификацияланган организмлар (ГМО) мавжудлиги ва ичимлик сувининг таркибини аниқлашга қаратилган тадқиқотларни амалга оширувчи Истеъмол маҳсулотлари ва ичимлик

Обуна — 2025

Қадрдон газетангиз "TOSHKENT HAQIQATI" га

2025 йил учун ОБУНА

бўлишни унутманг!

Боғланиш учун телефонлар: (55) 520-21-20; (97) 432-00-35

Нашр кўрсаткичи — 205

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

У туфайли 34 мингдан зиёд юрт ўғлонларининг қабрлари топилди.

У туфайли қорахатлардан вайрон бўлган кўнгишларда яна чироқ ёнди.

У туфайли минглаб оилаларда урушдан қайтмаган ота-боболаримизнинг хотиралари қайта ёдга олинди, руҳи-покларига тиловатлар қилинди.

У ана шундай фидойи инсон эди. Фар-

зандларига яхши ота, шогирдларига бағрикенг устоз, эл-юрт ардоғидаги қаламкаш.

Ҳаёти давомида бир қанча китоблар ёзди. Аммо улар орасида энг яхшиси – номаи-аъмоли ёзилган китоб бўлса керак. Чунки бу китоб армонли кўнгишларнинг дил ихзорларию, ажру-савобларга тўлиб кетган...

“Ўғлимни сенга, сени худого топширдим...”

Уни 1939 йилнинг баҳорида турмушга узатишди. Куёв бўлмиш Карим Қобулов ўша пайтда Пискент қишлоқ кенгашининг бухгалтерлари эди. Бир йил ўтмай Карим акага ҳарбий комиссариатдан қақриув қоғози келди. Тақдир экан-да, ёш келинчақ ҳали чилласи чиқмаган ғўдаги билан эрини армияга кузатди.

– Раҳима, нега йилга яшасан, Худо хоҳласа, мен қайтиб келаман...

– Ахир биз сизсиз қандай яшаймиз?

– Раҳима, эсингдами, сен келин бўлиб келган кунинг ҳовлимизга қалдирғочлар қайтган эди... Насиб этса, мен ҳарбийдан қайтган куним ҳам шундай бўлади. Қалдирғочлар қайтган кунни Қудратжонни тўй қиламиз. Ўғлимни сенга, сени Худого топширдим...

Аммо, афсус тақдир уни сийламади. Ўғилчиси икки ёшга тўлганида эридан қорахат олди. Йиғлади-сиқтади, лекин нима қилсин? Тақдирнинг ҳукмига қарши бора олармиди. Ун тўққиз ёшида бева қолган Раҳима опа бошига тушган оғир кунларни сабр-бардош билан енгди. Эридан қолган ёлғиз ёдгорини бағрига босиб, меҳр билан вояга етказди. Иккинчи марта турмушга чиқишни хаёлига ҳам келтирмади. Аммо эрининг қабрини зиёрат қилиш нияти унга тинчлик бермасди. Бунинг иложи бормикан? Ахир у ёстиқдошининг ҳалок бўлганини ҳис этса ҳам қаерда дафн этилганини аниқ билмайдими-ку!

Ўша кунлари ёш кўшниси, туман газетаси муҳаррири Маждид Самадовнинг Иккинчи жаҳон урушидан оиласи бағрига қайтмаган ўзбекистонликлар тақдирини аниқлаш билан шуғулланаётганини билгач, дилига нур киргандек бўлди.

– Кўплар қатори Карим акангизнинг ҳам қаерга дафн этилганлигини аниқлашга ёрдам берсангиз. У кишининг қабрини топиб, бир марта зиёрат қилсам улсам армоним йўқ...

Маждид аканинг Подольск шаҳрига қилган навбатдаги сафари қўяматли кўшниси Карим ака ҳақидаги маълумотларни аниқлаш билан бошланди. Ва ниҳоят, бир умр садоқат тимсоли бўлиб келган Раҳима аянинг туну-кун қилган дуолари-ю, Маждид аканинг изланишлари бесамар кетмади. У Мудофаа вазирлиги архивидан қуйидаги маълумотларни топти:

“Карим Қобулов 1916 йилда Тошкент областининг Пискент қишлоғида туғилган. Жангаларда 37-армия таркибидеги 54-танкчилар бригадасида катта санитария ўйриқчиси сифатида иштирок этган. Оғир ярдор бўлгач госпиталда вафот этган Карим Қобулов 1942 йилнинг 2 март кунини Ворошиловград областининг Лисчанск районидеги Верхний шахрида дафн этилган...”

Кейинги сафар Маждид Самадов Ворошиловградга Раҳима ая ва унинг ўғли Қудрат ака билан биргаликда келишди.

Қудрат ака отаси қабри устида тиловат қилди. Раҳима аянинг дилини эса бир армон ўртар эди: “Қалдирғочлар қайтган кунни Қудратжонни тўй қиламиз дегандингиз. Қалдирғочлар қайтди, лекин сиз қайтмадингиз... Сиз қурган айвонларга қалдирғочлар уй қурди, беғим... Мени эса ўша айвонларда Сизни дуо қилиб умрим ўтди. Мендан рози бўлинг...”

Ўтган асрнинг 90-йиллари. Пискент тумани газетасида ишлаб юрган пайтларим. Бир тадбирда сўзга чиқдим. Олқишлариди.

У даврда ёшман, даврадагиларга сўзлармонлигимни кўрсатиб қўйгим келдим, қарсақлардан кейин шеър ўқидим. Йиғин тугагач, Маждид ака ёнларига қақирдилар.

– Жуда яхши гапирдинг, – дедилар устоз вазминлик билан. – Аммо шеър ўқининг шарт эмасди-да, болам...

Маждид ака нима учун шундай деганига ўшанда ақлим етмаган эди.

Орадан йиллар ўтди. Ўтган йили Ғалаба

Маждид Самадовнинг ана шундай машаққатли меҳнати натижасида ўша пайтларда урушга кетган ўзбекистонлик 34 минг жангчининг ҳарбийга қақирилган манзили, ҳалок бўлган вақти, қаерга кўмилгани, жангларда кўрсатган жасорати ва мукофотлангани ҳақидаги тўлиқ маълумотлар юзага келди. Бу изланишлар ҳужжатхонадан марҳум жангчиларнинг номини ёзиб олиш билан тугамас эди. Маждид

жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги нишонланди. Ўшбу сана муносабати билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарори асосида Ғалаба боғи ташкил этилди. Мазкур боғ Иккинчи жаҳон урушида шу бахтли кунларимиз учун қон кечган ота-боболаримизнинг ёрқин хотираси олдидаги юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалий намунаси бўлиб қолди. Боғда Хотира музейи ташкил этилди. Музейда Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, фронт ортидаги меҳнат қаҳрамонликлари, тарихий воқеалар акс эттирилган. Бу ерда урушда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари қайд этилган “Хотира” китоби, Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан нашр этилган китоб-альбом ва бошқа экспонатлар жойлаштирилган.

Тақлимим шундан иборатки, ўшбу музейнинг фашист бочкинчиларига қарши жангларда қатнашган ўзбек адабиёти намояндалари ҳақидаги материаллар намойиш қилинган бўлишида устоз-журналист Маждид ота Самадов ва унинг қонли

Иброҳим Тошев, Мамлат Файзиёва каби пискентлик журналистлар Маждид Самадовнинг истеъдодли шогирдларидан ҳисобланади. Ўшбу мақола ёзилиши муносабати билан яқинда Эргаш ака билан учрашган эдим. У киши бир воқеани сўзлаб берди.

– 1971 йили Ангренада педагогика институтини битирганман, – дея гап бошлади Эргаш ака. – Аслида ўқитувчиман. Лекин Маждид аканинг шарофати билан “бир думалаб” журналист бўлиб қолган эдим...

Ўша йиллари Бўка туманига ишга юборилгандим. Бир кун мактабдаги устозлардан бири Холмат ака Норматов мени туман газетаси муҳаррири қақираётганини айтиб қолди. Дам олиш кунни бўлгани учун тахририятга эмас, сўраб-суриштириб Самадовнинг уйини топиб бордим.

Эшикдан қақиргандим, юз-қўллари, кийимлари лой, қорачадан келган бир барваста одам қақиб келди. Афтидан, у эски деворни сувоқ қилаётган экан.

– Маждид аканинг уйлари шуми? – дедим салом-алиқдан кейин.

– Ҳа, келинг... – деди сувоқчи ҳам му-

Қалдирғочлар яна қайтади...



байрами арафасида бир тадбирда қатнашдим. Ёшлар жуда яхши саҳна кўринишлари намойиш қилишди. Олқишлардан сўнг, улардан бири шеър ўқий бошлади:

Йиғитлар мактубин битгандан қондан, Келинлар фироқдан чекканда ёху, Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан, Ўн тўққиз ёшида бева қолди у...

У ҳаммани оғзига қаратганидан қувониб, шеърни шунақанги берилиб ўқир, лекин “абадий фироқни абадий висол деб билган” буюк зотларнинг яқинлари ҳам қаршисида ўтирганию, уларнинг дил яра-ларини тирнаётганини билмас эди.

Шу лаҳзада уруш туфайли ўн тўққиз ёшида паноҳидан айрилган Раҳима ая ўтирган даврда шу шеърни ўқиб, бир пайтлар Маждид отадан мактов ўрнига дашном эшитганим ёдимга тушди...

Саҳнадаги ёшлар ўз ролларини қойилмақом ижро этишарди. Олқишлардан ҳаволаниб кетган йиғитча эса бундан ўттиз икки йил аввал мен қилган хатони такрорлар эди...

МАЖИД ОТА ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси Маждид ота Самадовнинг номи нафақат Пискент тумани ёки Тошкент вилоятида, балки мамлакатимизда ҳам кўпчиликка таниш. Маждид ота Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. У 1951 дан бошлаб Пискент тумани газетасига муҳаррирлик қилган. Тахририятдаги 26 йиллик меҳнат фаолияти давомида у кўп-лаб пискентлик қаламкашларга устозлик қилди. Маждид отанинг маҳорати, айниқса, тадқиқотчи ёзувчи ва журналист сифатида кенг намоён бўлди. У 1972 йилдан 1992 йилгача Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивда ҳар йили икки ойдан изланишлар олиб борар эди. Бу айтмоққа осон, лекин кўз нуруни, қалб ҳароратини бериб, минглаб саҳифаларни синчиқлаб кўриб чиқиш, улар орасидан керакли маълумотларни ёзиб олиш учун метин ирода, сабр-матонат керак эди.



ота ҳар йили Россия сафаридан қайтган, ана шу жангчилар ҳақида улар яшаган туман, шаҳар, вилоят газеталарига мақола-лар ёзиб жўнатар, республика нашрларида чиқишлар қилар эди. Тиниб-тинчимас журналист фақат шулар билангина чекланиб қолмади. Тўпланган маълумотлар асосида “Карим партизан”, “Жасорат саҳифалари”, “Жангномага айланган сатрлар”, “Эллик баҳодир”, “Қасоскорлар”, “Навечю в памяти” каби китоблар юзага келди.

– Биз ҳамкасбимиз Маждид Самадовни ўзбек халқига кўп хизмат қилган ёзувчи сифатида қадрлаймиз, – деган эди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов. – У танлаган йўл шундай улғуқи, бу йўлда қилинган сайъ-ҳаракатлар, шубҳасиз тарих зарварақларида қолажақ.

Ўқоридаги мулоҳазаларни ёзарканман, Маждид отанинг бир шогирди сифатида кўпдан бери ўзимни ўйлантириб юрган тақлифни кўпчилик ҳукмига ҳавола этишга қарор қилдим.

Бундан тўрт йил муқаддам Иккинчи

жангларда ҳалок бўлган ота-боболаримиз руҳини шод қилиш ниятида амалга оширган савобли ишлари хусусида ҳам маълумотлар жойлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, Пискент тумани “Митан” маҳалласида Маждид ота яшаб, ижод қилиб ўтган хонадонда “Маждид Самадов уй-музейи” ташкил қилиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Зеро, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибни Маждид Самадов ва у каби ота-боболаримиз кўрсатган жасорат халқимиз учун ва, айниқса, юрагига юрт меҳрини жо қилган ёш қаламкашларимиз учун шон-шараф мактаби, гурур-ифтихор манбаи бўлиб қолади.

“СУВОҚЧИ”НИНГ СИНОВИ

Эргаш Абдуллаев, Тўхташ Қосимов, Анвархон Аҳмедов, Собиржон Иномов,

лойимлик билан. Кимсан, бир туман газетасининг бош муҳаррири ҳузурига келяпман деб, оқ кўйлак кийиб олганман, мана бу кимсанинг кўлларидаги лойи тегиб кетмасин деб бериқоқда туриб муомала қилмапман.

– Уэр, Самадов акани қақириб беролмайсизми? Абдуллаев Эргаш деган керовчилик ўқитувчи йиғит келибди, денг...

Сувоқчи: “Э, шунақами?” деди-да, мени ҳовлидаги қаравотга тақлиф қилди. Ўзи юз-қўлларини ювиб, сўнг ёнимга ўтирди.

– Ўша Маждид аканг мен бўламан-да, ука! Гап-сўзларинг жуда дадил, мени мардикор деб ўйладинг-ов!

...Хуллас, устоз билан илк танишув ана шундай ҳангома билан бошланган эди. “Сувоқчи” Самадовдан олган илк сабогим шу бўлдики, бир йиғитга етмиш хунар кам. Айниқса, матбуот ходимида. Чунки газетачининг қурилиш ва ҳўжалик ишларини уста ёллаб қилдиришга ҳар доим ҳам қурби келавермайдими-да...

“ҚАЛДИРҒОЧ” ИЛҲОМЛАРИ

Бундан 40-45 йиллар аввал Пискент тумани газетаси тахририяти қошида “Қалдирғоч илҳомлари” номли ёш ижодкорлар тўғраги фаолият юритган. Биз муҳбирликнинг илк сабоқларини ана шу тўғрақда Маждид Самадов ва Собиржон Иномов каби устозлардан олган эдик. Кеча “винетка”да кўрдим: 1979 йили туман газетаси ҳузурдаги ишчи-қишлоқ муҳбирлари университетини 27 нафар йиғит-қиз битириб чиққан эканмиз.

Яқинда бир иш билан туман газетасига борган эдим. Қарангки, бу кўтлўқ даргоҳда Маждид ота мактабидан учирма бўлган йиғитма етти қалдирғочдан икки нафарини қилибди: Башорат Сатторова ва Шоира Шоматова. Бири – бош муҳаррир, бири – ўринбосар...

Тахририятдан қайтар эканман, мақоламиз бошидаги Карим аканинг сеvimли ёрига айтган сўнги гаплари хаёлимдан ўтди: “Эсингдами, Раҳима, сен келган кун ҳовлимизга қалдирғочлар қайтган эди... Насиб этса, қалдирғочлар яна қайтади...”

Тўхтамурод ХАСАНБОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Ҳангома



“Мен ҳал қилолмайман!”

Дийдор яхши-да! Айниқса, ойлаб, йиллаб кўришмаган инсонларинг билан кўришишнинг мазаси сур қилинган қазининг таъминдан ҳам яхшироқ бўлади.

Яқинда йиллаб юз кўрмаган қадрдонларим билан кўришдим. Ўтган вақт давомида ҳар бирининг маълум даражада ўзгаргани сезилди. Бир-биримиздан нима иш билан шуғулланаётганимизни сўрадик. Ана шунда... Ҳаммаси шундан бошланди!

Гурун қизиб, “журналистман”, деб юборибман-да! Ҳам-

ма ўз дардини айтиб қолса, денг. Бири ҳайдовчилик гувоҳномаси тўловлари ошганини айтиб шикоят қилса, яна бири хориж университетда ўқиб келиб, ностирификация ололмаганидан нолийди. Бошқа биттаси эса олиғоҳини битиргани билан ишга жойлашолмаётгани, қаерга борса иш берувчилар расмий стаж талаб қилаётганини айтиб, дийдиё қилади.

Хурсанд бўлган томоним – ҳеч бири газдан ё чироқдан шикоят қилмади.

Ҳамма дўстларим бирваракайига “... бу масалани кўтар, мана бу масалани кўтар”, деб қолди. Ҳаммаси ўз дардини айтиб, овози қаттиқ-қаттиқ чиқаверганидан ён-атрофдаги бегоналар ҳоким келдимикин, деган гўмонда менга олазарак қарашди.

Аввалига бир нос чакимли вақт хижолат бўлдим. Кейин эса кўникиб ҳам қолдим. “Журналистсан-ку, ёз, шу масалаларни кўтар, ечимини топиб бер”, дейдиганлар кўпайди.

“Барака топгурлар, автозаводда машиналарга магнитофон қўйиш ё кўймаслик, ё бўлмаса мактаб дарсликларидеги камчиликларни бартараф этиш менинг илкимда эмас. Сизлар мендан амалга оширилаётган ислохотларни сўранглар. “Обод маҳалла” лойиҳаси орқали ўз тарихида биринчи марта асфальт ялаган кўчалар ҳақида сўранглар. “Яшил макон” доирасида яратилган боғу-роғлар таърифини сўранглар. “Опен бюджет”да

ютиб чиқаман деб ёнидан миллионлаб маблағ сарфлаб овоз йиғиб юрган одамларга мен ёрдам беролмасам...”, деб қай бирига тушунтираман? Хуллас, унисидан у, буни-сидан бу “кўргиликлар”ни эшитиб, буларни ҳал қилиш менинг қўлимда эмаслигини айтсам, биттаси: “Сен журналистсан, журналист – халқ дарди билан яшаш керак”, дейди. Буларга қўйиб берсангиз нималар дейишмайди.

Мохирбек ҚУЧҚОРОВ

АНЪАНАВИЙЛИКДАН – ЗАМОНАВИЙЛИККА

Туманда салкам 40 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерлари бўлиб, шундан 10 минг 500 гектарга пахта, 15 минг 700 гектарга ғалла, 1 минг 192 гектарга боғ, 837 гектарга ток, 11 минг 633 гектарга эса сабзавот ва полиз, мойли, дуқакли ҳамда бошқа экинлар жойлаштирилган.

Шунингдек, 2 минг 805 гектар томорқа майдони ҳамда 135 гектар иссиқхона ва парниклар ташкил қилинган. Сўнгги йилларда пахта ва ғалладан 2 минг 693 гектар майдон қисқартирилиб, деҳқончилик қилиш учун 9 минг 403 нафар фуқарога ажрати берилди. 2025 йилда яна 600 гектар пахта ва ғалла майдони қисқартирилиши белгиланган. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар қарич ердан самарали фойдаланиш, экспорт-боп маҳсулотларни етиштириш орқали аҳолини банд қилиш, кўшимча даромад топишга шароит яратиш мақсадида қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Хусусан, йил якуни билан туманда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари бажарилиши таъминланган. Шунингдек, жорий йил учун экспорт мажбурияти 7,8 млн. доллар бўлиб, йил якунигача бу кўрсаткич 7,9 млн. долларга етказилади. Тумандаги 51 та маҳалладан 38 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, 6 таси чорвачиликка, 4 таси парранда боқишга, 1 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 2 таси хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилди. Мавжуд 135 гектар иссиқхона ва 124 гектар парниклардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди ва йил давомида 2-3 марта ҳосил олишга эришилади. Эътиборлиси, декабрь ойининг 15 санасига қадар 6 минг 886 гектар майдонда тўқсонбости экинлар тўлиқ экилиб, белгиланган агротехник тадбирлар амалга оширилди. Бундан ташқари, маҳалла ва дала четларида 4 та саралаш, сақлаш ва қадоқлаш цехларини ташкил қилиш чоралари кўрилади. Ҳар бир маҳалланинг 100 тадан хонадонига лимон ва узум кўчати тарқатилиб, экиш ташкил этилади. "Сайхунобод" тажрибаси асосида 3 та маҳалла минитехника билан таъминланади. Асосийси, хонадон ва маҳаллалар 11 та экспортчи корхоналарга бириктирилиб, маҳсулотни кафолатли харид қилиш йўлга қўйилди.

Энг муҳими, 2025 йилда 9,5 млн. долларлик (120 фоиз) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилиши режа қилинган.

Эндиликда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш энг долзарб масалалар. Дунё тажрибасидан маълумки, бу борада тежамкорлик усуллари самарали бўлиб, ҳосилдорлик ошишига замин яратади.

Жорий йилда 4 минг 30 гектар ер майдонига сувни тежайдиган технологиялар қўлланилди. 2025 йилда 4 минг 311 гектар майдонда сув тежовчи, жумладан, 2 минг 261 гектар ер майдонларини лазерли текислаш, 1 минг 400 гектарни томчилатиб, 300 гектарни ёмғирлатиб, 350 гектарни дискрет сўғориш технологиялари жорий қилинади. 2024-2025 йил куз-қиш даврида кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 100 км. ички сўғориш тармоқларини бетонлаштириш белгиланган.

"МАЛЛАБОЙ" ТАЖРИБАСИ

Азалдан бекободликлар деҳқончиликнинг ҳадини олган миришкорлар саналади. Иш фаолиятим давомида ўзим ҳам улардан кўп нарса ўргандим. Жумладан, "Маллабой" маҳалласи аҳолисининг меҳнаткашлиги, ишбилармонлигига тан бермай илож йўқ. Ҳозирда маҳаллада 3 минг 128 нафар аҳоли 544 та хонадонда истиқомат қилади. Аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шугулланади. Айниқса, иссиқхонада турли маҳсулотлар етиштириш борасида катта тажриба тўпланган. Айни пайтда 514 та хонадонда иссиқхона ташкил этилган бўлиб, биринчи экинга бақлажон, иккинчисига помидор, учинчисига рукола кўкати экилмоқда. Жорий йилда маҳалла миришкорлари томонидан ички ва ташқи бозорларга 5 минг 140 тонна бақлажон, 6 минг 168 тонна помидор ва 514 минг тонна рукола кўкати етказиб берилди.

Эътиборлиси, маҳалла ёшлари ўзлари учун ажрати берилган

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ерлардан самарали фойдаланишмоқда. Жумладан, Зокир Асранкулов 30 сотихли иссиқхонасида бақлажон етиштириб, яхши даромад қилди. Унинг тажрибаси омалаштирилиб, 2025 йилда яна 5 гектар майдонга иссиқхона қуриб бериш режа қилинган.

Дарвоқе, туманда "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили бўйича "Маллабой" тажрибасини омалаштириш йўлга қўйилган. Сектор раҳбарлари томонидан тумандаги маҳаллаларда бу тажрибани ўргатиш мақсадида амалий семинарлар ташкил этилмоқда. Шу кунларда маҳаллада лимон етиштиришни йўлга қўйиш тарғиб қилинмоқда. Ажаб эмас, маллабойликлар лимончиликда ҳам ўз "рекорд"ларини ўрнатилди...

РАҚАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Ўрганишларга кўра, тумандаги 31 минг 235 та хонадондан 3 минг 600 таси камбағал деб топилди. Худудда 4 мингдан зиёд ишсизлар, 4 минг 700 нафар мигрантлар бор. Улардан

ҳар ойда 9,5 млн. сўм атрофида даромад топтомоқда.

Аҳолини камбағалликдан чиқаришда лидер тадбиркорлар ҳам қараб туришгани йўқ. Улар тумандаги ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида йирик ва кичик корхоналар билан ҳамкорликда 391 нафар фуқарони ишга жойлашди. Шунингдек, 3 нафар лидер тадбиркор "Холис Барака Агро", "Маллабой томорқа хизмати", "МГФ Агротранс" МЧЖлар билан ҳамкорликда яна 118 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашди.

Дарвоқе, тумандаги кам таъминланган оилаларга ҳоимийлик ёрдамлари ҳам кўрсатилмоқда. Хусусан, "Ўзмиллийбанк"ка 9 та маҳалла бириктирилган. Ўтган даврда улар томонидан 55 млн. сўм ҳоимийлик ёрдами кўрсатилди. Жумладан, "Сарюз", "Қорақўйли", "Фарҳод" маҳаллаларидаги кам даромадли хонадонларга 120 донна парранда, битта тикув машинаси, 4 донна қандолатчилик ускунаси, 4 донна мотокүлтыватор етказиб берилди.

16 та мактаб компьютер жиҳозлари билан таъминланди. Мактабларни 2024-2025 ўқув йилига тайёрлаш учун маҳаллий бюджетдан 1245,3 млн. сўм маблағ ажратилиб, қурилиш материаллари харид қилинди. Қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида 6 та мактабга КВ-50 русумли 9 та қозон ўрнатилди. 22 та мактаб ва 9 та ДМТТга етарлича кўмир захира қилинди.

СОҒЛИҚ – ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Туманимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли хизмат кўрсатиш учун зарурий шарт-шароитлар яратилган. Айни пайтда туман тиббиёт бирлашмаси таркибида битта 391 ўринли шифохона, 1 минг 275 қувватга эга кўп тармоқли марказий поликлиника, 5 та оилавий поликлиника ва 11 та оилавий шифокорлик пункти мавжуд. Бирламчи тизимда хизмат сифатини ошириш мақсадида 51 та маҳаллада тиббиёт пунктлари ташкил этилган. Уларда 82 та тиббий бригада аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш борасида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Хусусан, йўл инфратузилмасини яхшилаш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, электр таъминоти тармоқларини қуриш, ичимлик суви ва оқова тармоқларини янгилаш жадал олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари туман маркази – Зафар шаҳарчаси, "Гулистон" ва "Истиқлол" маҳаллаларидаги 11,7 гектар ер майдонига жойлашган ва маънан эскирган икки қаватли уйлар ўрнида реновация лойиҳасига кўра, кўп квартирали замонавий тураржой биноларини барпо этиш, биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил қилиш таклифини берди. Ишонамизки, бундай бунёдкорликлар худудимиз янада раванқ топиб, чирой очишига хизмат қилади.

Туманга 2024 йил учун 42,2 млн. доллар миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириш режаси белгиланган эди. Лойиҳа ҳисобидан "Zafar bulls agro" МЧЖ томонидан чорвачилик фаолияти-

БЕКОБОД: ОЛИС ХУДУД РАВНАҚИНИНГ ЯҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ



ойига минг доллардан кам даромад топаётган 3 минг 444 нафар фуқарони хориждан қайтариш чоралари изланмоқда. Режага кўра, уларнинг 1 минг 734 нафари касб-хўнарга ўқитилиб, ишга жойлаштирилади, 680 нафари тадбиркорликка жалб қилинади. Шунингдек, 1 минг 30 нафар фуқаро хорижий тил ва касб-хўнарга ўқитилиб, чет элга юқори даромадли ишга юборилади.

Ўтказилган хатловлар натижасида туманда 375 та оғир аҳволдаги камбағал оилалар рўйхати шакллантирилди. Ушбу оилаларга вилоят ва туман ташкилотларидан 69 нафар раҳбар бириктирилди. Улар "Сайхунобод" тажрибаси асосида ҳар бир маҳаллада 30 тадан микро-лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириб, юқоридаги оилаларни камбағалликдан чиқаришга кўмаклашишди.

Мисол учун, "Сарюз" маҳалласининг Қумовул кўчасида истиқомат қилувчи Нафиса Хотамовага "Оилавий тадбиркорлик" дастури доирасида нон ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олиш учун 27 млн. сўм кредит берилган эди. У бир ойда 11 млн. сўм (бир йилда 132 млн. сўм) даромад кўрди. Ёнига 2 та ишчи ҳам олди. Шу маҳалланинг Хуррият кўчасида яшовчи Жасур Абдуманнопов музқаймоқ ускунаси учун 10 млн. сўм кредит олган эди. У ҳозир

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ОҚСАБ БЎЛМАЙДИ

Бугун туманимизда 61 та мактаб фаолият кўрсатмоқда. Қувонарлиси, 2023-2024 ўқув йили битирувчиларининг 779 нафари олий таълим муассасалари талабаси бўлишди. Албатта, яхши таълим олиш учун қулай шароит керак. Ўтган 8 ой давомида инвестиция дастури доирасида "Деҳқонобод" маҳалласидаги 37-мактабнинг 180 ўринли биноси мукамал таъмирланиши, шунингдек, қўшимча 180 ўринли ўқув биноси ҳамда спорт зали қурилишига 4217,3 млн. сўм маблағ ажратилди. Ҳозирда қурилиш ишлари 85 фоизга бажарилди. "Бирдамлик" маҳалласидаги 30-мактабнинг 100 ўринли қўшимча биноси қурилиши аяқланмоқда. "Қуштамғали"даги 53-мактабда ҳам қўшимча 300 ўринли бино қурилмоқда. Чекка худудларимиздан бири "Фарҳод" маҳалласидаги 75 ўринли 33-ДМТТда 120 ўринли янги бино қурилиши якунига етмоқда. Мазкур янги бинолар фойдаланишга топширилган, 580 та иш ўрни яратилди. "Ташаббусли бюджет" дастури доирасида "Илғор" маҳалласидаги 60-мактабда мини стадион қурилди.

Шунингдек, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан

Яна бир муҳим масала: туғиш ёшидаги аёллар ва ҳомиладорларга ўз вақтида сифатли ёрдам кўрсатиш. Шу мақсадда кўп тармоқли марказий поликлиника қошида «Аёллар маслаҳатхонаси» ташкил этилган. Унинг таркибида ҳомиладорлик даврида туғма ва ирсий касалликларни ўз вақтида аниқлаш учун перинатал скрининг хонаси ташкил этилиб, малакали шифокор ва замонавий 3D УТТ аппарати билан таъминланган. Шунингдек, аёллар ўртасида ўсма касалликларини вақтида аниқлаш мақсадида Sanser – назорат хонаси ташкил этилиб, замонавий кольпоскоп ва ДЭК аппарати ёрдамида аёлларга малакали хизмат кўрсатилмоқда.

ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА

Вазирлар Маҳкамасининг туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига кўра, асосий йўналишлар белгилаб олинди. Биринчи йўналишда инвестиция лойиҳалари асосида 43 та қиймати 166,5 млрд. сўмлик саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар, сервис ва савдо соҳаларини комплекс ривожлантириш кўзда тутилган.

ни кенгайтириш мақсадида 3,5 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Бундан ташқари, пахтачилик кластери фаолиятини кенгайтириш, шолини қайта ишлаш йўналишлари учун четдан маблағ йўналтирилди.

Юқорида келтирилган лойиҳа ва дастурлар, саъй-ҳаракатлар ҳамда чора-тадбирлар, аввало, инсон учун, унинг қадри ва манфаатлари учундир.

Бекобод – ўз номи билан бекар, яъни ўз сўзида турадиган инсонлар маскани. Буни туманга раҳбар бўлиб келган кунимданон аяқланганман. Тумандошларнинг меҳнатсеварлиги, шижоат ва ғайратини кўриб, улар билан ҳамнафас бўлишга, мавжуд муаммоларга бирга ечим топишга, ёрдам беришга бел боғлаганман.

Зеро, амалий натижаларга эришиш, кўзланган марраларни забт этиш учун, энг аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар масъулиятни ҳис қилишлари, ташаббускор бўлишлари керак. Негаки, масъулият йўқ жойда ривожланиш ҳам, ўзаро ишонч ҳам бўлмайди.

Биз, туманимиз аҳли билан фаровон ва гўзал ҳаётга эришиш, ҳам маънавий, ҳам моддий бой бўлиб яшашга интилоқдамиз.

ШУХРАТ ДЎСБЕКОВ,
Бекобод тумани ҳокими



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkent skaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
- Abdusamad NOSIROV
- Umam MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAQHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Sayyora FAYZIYEVA
- Tohir ARIPOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Kumush EGAMBERDIYEVA
- Behzod QOBULOV
- Olimjon BEGALIYEV
- Zarifa ERALIYEVA
- Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchesi:
Zikrilla MUHAMMAD

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 20:30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1235.

2 830 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter makzida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.